

АДЛИЯ МИНБАРИ

САЙЁР ҚАБУЛ:

ҲАР БИР МУАММО ЖОЙИДА ҲАЛ ЭТИЛГАНИ ЯХШИ

ТОШКЕНТ вилоят адлия бошқармаси томонидан мурожаатларни жойига чиққан ҳолда, сайёр қабуллар орқали қабул қилиш амалиёти кенг йўлга қўйилган.

Жумладан, ўтган даврда сайёр қабулларда 1301 та мурожаат қабул қилиниб, уларнинг 852 таси қаноатлантирилди.

Жорий йилнинг 6-8 август кунлари жойларда аҳолини қийнаб келаётган ҳамда кўплаб эътирозларга сабаб бўлаётган долзарб муаммоларни аниқлаш ҳамда уларни тезкор ҳал этиш мақсадида Адлия вазири ўринбосари Худоёр Мелиевнинг Тошкент вилоятининг Бекобод, Куйичирчиқ, Бўстонлиқ туманларида сайёр қабуллари бўлиб ўтди.

Сайёр қабулларда 450 га яқин фуқаро иштирок этиб, улардан жами 275 та мурожаат келиб тушди.

Келиб тушган мурожаатларнинг 145 таси шу қабул кунининг ўзида қаноатлантирилди.

Шунингдек, қабуллар жараёнида ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларга моддий ва маънавий кўмак берилди.

Хусусан, "Ижтимоий ҳимоя" нодавлат нотижорат ташкилоти маблаглари ҳисобидан ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган 15 нафар шахсга ногиронлик аравачаси, 12 нафар фуқарога эшитиш мосламаси, 4 нафар фуқарога тикув машинаси, 3 нафар фуқарога икки миллион сўмдан моддий ёрдам пули ажратилди.

Бундан ташқари, 30 нафар фуқарога касаллиги бўйича тиббиёт муассасаларида имтиёзли асосларда даволаниш учун ордер, 15 нафарига республиканинг турли сўхатгоҳида муолажа олиш учун йўлланма берилиб, 38 нафар шахснинг касби ва мутахассислиги бўйича ташкилот ва корхоналарга ишга жойлаштириш юзасидан тегишли буйруқлар қабул қилинди.

Шулар билан бирга 43 нафар фуқаронинг ўзбошимчалик билан қурилган иморати тегишли комиссиялар томонидан кўриб чиқилган бўлишига қарамай, туман ҳокимининг қарори йўқ эди. Шу куннинг ўзида туман ҳокимларининг тураржойларга нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиш бўйича қарорлари чиқарилди.

Қабуллар жараёнида бир гуруҳ фуқароларнинг қурилган уй-жойи бузилганлигидан норозилиги ҳамда товон пули масаласи ҳал этилмай келинаётганлиги хусусидаги мурожаати Адлия вазирига ва вилоят адлия бошқармаси масъуллари томонидан жойига чиққан ҳолда ўрганилди.

Уч кун мобайнида ўтказилган сайёр қабулларда келиб тушган 129 та мурожаатнинг кўшимча ўрганилишига келишилиши муносабати билан тегишли масъуллар бириктирилиб, мурожаатлар ижроси назоратга олинди.

Адлия вазири
Жамоатчилик билан алоқалар бўлими



СУДЬЯ НОТЎҒРИ ҚАРОР ЧИҚАРСА...

бунга нима сабаб, билимсизликми,
тажрибасизликми, бепарволикми?
ҚОНУНГА ҲУРМАТСИЗЛИКМИ?



Убайдулла МИНГБОВЕВ,
Судьялар олий
кенгаши раиси,
Ўзбекистонда хизмат
кўрсатган юрист



Ёзганларимни ҳам раҳбарнинг талаби, ҳам шу соҳа оқсоқолининг, агар кимда-ким тан олса устознинг шогирдларига қарата айтган насихати, деб қабул қиласиз, деган умиддаман.



Инсондаги ҳар қандай ёмон одатлар — бепарволик, дангасалик, масъулиятсизлик, ўз манфаатини устун қўйиш ҳаётда олган тарбиясига ҳам кўп жиҳатдан боғлиқ эканлигини яхши биламиз. Лекин судьялар оила тарбиясидан ташқари, мактабда, олий ўқув юртида илм олиш билан бирга, судьялик лавозимига келгунига қадар ҳаёт тажрибасига эга бўлиб, ундан ҳам сабоқ чиқарган, ибрат олган бўлиши керак. Шунинг учун ҳам мен яна бир бор мутафаккир аждодимиз Абдулла Авлонийнинг: "Тарбия биз учун ё ҳаёт — ё мамот, ё нажот — ё ҳалокат, ё саодат — ё фалокат масаласидир", деган ҳикматларини ёдингизга солмоқчиман. Бу бежиз айтилмаган. Ахир, тарбиясиз ва маънавиятсиз, ўзини тийиб юролмайдиган инсонларни қандай аҳволга тушганларини кўряпмиз-ку.

2-саҳифа

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

2019-2020
ЙИЛЛАРДА
КОРРУПЦИЯГА
ҚАРШИ КУРАШИШ
ДАВЛАТ ДАСТУРИ
ТАСДИҚЛАНДИ



Давлат дастурининг ҳар бир банди бўйича мақсадларга эришишда самарадорлик индикаторлари ишлаб чиқилади



Худудлардаги халқ депутатлари Кенгашлари таркибида коррупцияга қарши курашиш комиссиялари ташкил этилади



Давлат хизматчиларини танлаб олиш, тайинлаш ва юқори лавозимларга кўтаришнинг шаффоф тизими шакллантирилади



Давлат хизматчилари учун чекловлар, тақиқлашлар, рағбатлантиришларнинг аниқ рўйхати белгиланади

2019 йил
1 июлдан



Давлат органларида юзага келадиган коррупция хавф-хатарлари мажбурий баҳолаб борилади



Коррупция хавф-хатарига энг кўп дуч келадиган давлат хизматчиларининг рўйхати шакллантирилади



Давлат хизматчиларининг мулки ва даромадларини декларация қилиш тизими босқичма-босқич жорий этилади



2019 йил 1 сентябрдан ёшларга коррупцияга қарши курашиш соҳасида ҳуқуқий таълим берилади

2019 йил 1 августдан эксперимент тартибида капитал қурилиш ва олий таълим соҳаларида "Коррупциясиз соҳа" лойиҳаси амалга оширилади

2020 йил 1 апрелдан "Коррупциясиз соҳа" лойиҳаси бошқа соҳаларга босқичма-босқич жорий этилади

advice.uz

@huquqiyaxborot

СУДЬЯ НОТЎҒРИ ҚАРОР ЧИҚАРСА... Бунга нима сабаб, билимсизлики, тажрибасизлики, бепарволикми? ҚОНУНГА ҲУРМАТСИЗЛИКМИ?

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ кўплаб маъруза ва чиқишларида "Одамларни рози қилишимиз керак" ёки "Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун", деган фикрларни таъкидлайди ва барчани шунга даъват этади. Шубҳасиз, инсон манфаатларини амалда таъминлашда мустақил суд ҳокимияти муҳим ўрин тутати. Шу боис сўнгги йилларда бу соҳада ниҳоятда катта ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 13 июлдаги "Суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш ва суд ҳокимияти органларига ишончни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони муҳим аҳамиятга эга. Фармонда судьялар ва улар билан биргаликда суд идораларида хизмат қилаётган ходимларнинг ҳам ойлик маошлари оширилиши белгилаб қўйилди. Ҳаттоки, Фармонга асосан судьяларнинг транспорт воситалари, суд ходимларининг эса намунали уй-жойларни сотиб олишлари учун имтиёзли кредитлар ажратиладиган бўлди. Бундай ҳолат шу кунга қадар ҳеч қачон юз бермаганлиги сабабли ушбу Фармонни тарихий, десак муболага қилмаган бўламиз.

Лекин биз учун яратилаётган шунча шароит ва имкониятларни қай даражада оқлаётимиз, деган савол мени безовта қилади. Шу соҳанинг вакили сифатида, очигини тан олиб айтишим керак, ҳаммамиз ҳам оқлаётганимиз йўқ.

ЖИДДИЙ КАМЧИЛИКЛАР КЎП

Таҳлиллар шунга кўрсатаётгани, сўнгги пайтларда судларда кўрилатган ишлар сифат жиҳатидан қониқарли даражада эмас. Юқори судлар томонидан қўйи судларда кўриб чиқилган ишларнинг бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши ҳолатлари кўп учраётганлиги ачинарли.

Шу ўринда нега биринчи инстанция, апелляция ва кассацияда иш кўрган судья ўз ваколат доирасида ишларни қонуний кўрмаётгани, бунинг сабаби нимада, деган ҳақли савол туғилади. Эътибор қаратадиган бўлсак, ўтган 6 ой мобайнида судьялар томонидан кўрилган ишлар ҳар томонлама тўла текширилиб, аниқланган ҳақиқий ҳолатга қонуний баҳо бермаслик, жиноят ишлари бўйича Жиноят кодексининг 57-моддасини нотўғри қўллаб, енгил жазо тайинлаш, Жиноят кодексининг 72-моддасини нотўғри қўллаб, шартли жазо тайинлаш, қўшимча жазо тайинлаш қонунда лозим бўлса-да, тайинламаслик, етказилган зарар миқдорини асоссиз камайтириш ҳамда тақиқда бўлган мол-мулкни асоссиз равишда рўйхатдан чиқариш, суд қарорларини ўз вақтида ижрога қаратмаслик ҳолатлари ариза ва шикоятлар оқимининг ортиб боришига сабаб бўлмоқда.

Фуқаролик ишлари бўйича давлат божи ундиришни асоссиз кечиктириш ёки уни тўлашдан озод қилиш, тарафларга никоҳдан ажралаш ҳақида ярашиш учун муҳлат бермаслик ёки муддатини асоссиз равишда қисқар-

тириш ҳолатлари, қонуний кучга кирган ҳал қилув қарорини асоссиз равишда янги очилган ҳолатлар бўйича, деб бекор қилиш, суд қарорларини ўз муддатида ижрога қаратмаслик, суд қарорларига нисбатан берилган шикоятларни ҳаракатсиз қолдириш каби ҳолатлар кузатишмоқда.

Иқтисодий ишлар бўйича неустойка суммаларини асоссиз равишда камайтириш, зарарларни ундириш ишлари бўйича етказилган зарарнинг ҳақиқий миқдорини аниқлаш ҳолатлари ҳам мавжуд.

Маъмурий ишлар бўйича ҳам шу каби ҳолатлар билан чиқарилган қарорларнинг бекор бўлиши ва ўзгартирилиши кузатишмоқда. Натижада фуқаролар айрим судьяларнинг хатти-ҳаракати юзасидан юқори судга ва бошқа идораларга тинимсиз ариза ва шикоятлар юбораяпти. Таъкидлаш керак, фуқаролар юқори судларнинг жавобларидан ҳам норозилиklarини билдириб, чора кўриш учун Судьялар олий кенгашига мурожаат этмоқда.

Судьялар томонидан йўл қўйилаётган бу каби камчиликларни кўриб ўйлаб қоласан киши...

Бундай асоссиз қабул қили-

надиган қарорлардан кўзланган мақсад нима? Ёки қандай омил борки, судья нотўғри қарор чиқараяпти? Бу судьяларнинг билимсизлиги? Тажрибасизлики? Бепарволикми? Қонунга ҳурматсизлики ёки билиб туриб моддий манфаатдорлик эвазига ўз ваколатини суистеъмол қилишми?

ПОРАГА ҚАРШИ КУРАШ БЎЙИЧА ТАВСИЯЛАР

Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 27 майдаги "Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонида коррупцияга қарши кураш чора-тадбирларини яна бир бор кўрсатиб берди. Шунингдек, жорий йилнинг 15 июнь куни Олий Мажлис Сенатида коррупцияга қарши курашиш бўйича Республика идораларо комиссиясининг кенгайтирилган йиғилиши ўтказилди.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, айниқса, суд тизимида бу каби иллатларнинг мавжудлигини асло кечириб бўлмайди. Оммавий ахборот воситалари орқали мамлакатимизда шу

йил 6 ойда қанчалаб мансабдор шахслар, шу жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари жиноий жавобгарликка тортилганлиги ҳақида хабарлар берилди. Уларнинг деярли барчасига коррупция айблови қўйилган. Бу масалада, судьялар билан бир неча бор йиғилиш ўтказди, хатлар ёзилди, лекин вазият ўнганмапти.

Ўтган 6 ой мобайнида Кенгаш томонидан 89 нафар судьяга нисбатан интизомий иш қўзғатилди ва чора кўриш учун тегишли малака ҳайъатларига юборилди. 11 нафар судьянинг ваколати муддатидан олдин тугатилди. 2 нафар судьяга нисбатан Бош прокурор томонидан жиноят иши қўзғатилганлиги сабабли тегишли тақдимномага асосан уларни жиноий жавобгарликка тортишга розилик берилди, биринчи ваколати муддатидан олдин тугатилди, яна бирини жиноий жавобгарликка тортишга розилик берилиб, ваколати тўхтатилди. Июль ойининг бошида ҳам бир нафар судьяга нисбатан жиноий жавобгарликка тортишга розилик берилди. 12 нафар судьянинг аризаси олинди, муддатидан олдин вазифасидан озод этилди.

Ахир, соҳада шунча ижобий

ўзгаришлар қилинапти. Судьяларнинг ойлик иш ҳақини яна ошириш ҳақидаги масала ҳам кун тартибда турибди. Лекин юқорида санаб ўтган нохуш ҳолатлар камаймаяпти.

Коррупцияга қарши курашда зарурий чораларни кўриш билан бирга, айрим қонун нормаларини тарғибот қилишни ҳам тақлиф этган бўлардим.

"Қарс, икки кўлдан чиқади", деган нақл бор. Фуқаролар ҳам қайсидир қинғир йўллар билан мақсадига эришишга интилиш ўрнига қонун нормаларини ўқисин, ўргансин. Таниш-билишчилик, турли илтимослар, ўз манфаати учун ҳеч нарсадан тоймайдиган, моддий манфаат, деб қонунларни оёқости қилиб, қасамёдини бузадиган, одоб-ахлоқ қоидаларига қетаётган фуқароларга қонун талабларини эслатиш ва огохлатиш мақсадида қуйидаги қонун нормаларини ҳамма учун кўринадиган жойга 1-2 метр масофадан бемалол ўқиш мумкин бўлган катталикдаги ҳарфларда, ўқишга қулай тартибда ёзиб қўйиш зарур, деб биламан.

КОНСТИТУЦИЯ ВА ҚОНУНЛАРНИНГ БУ ТАЛАБЛАРИДАН ХАБАРДОРМИСИЗ?

1 "Фуқаролар Конституция ва қонунларга рияз этишга, бошқа кишиларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилишга мажбурдирлар".

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 48-моддаси

Ишга раислик қилувчи — судья, суд мажлиси залида тартибга рияз қилинишини таъминлайди. Унинг фармойишлари тарафлар ва барча ҳозир бўлганлар учун мажбурийдир. Унинг фармойишлари сўзсиз бажарилиши шарт. Тарафлардан ёки бошқа шахслардан бирортаси раислик қилувчининг ҳаракатларига эътироз билдириши мумкин эмас. Агарда, эътироз билдирилган тақдирда ушбу эътирозлар суд мажлисининг баённомасига ёзиб қўйилади, кейинчалик суд залидан чиқарилиши ҳам мумкин.

Жиноят-процессуал кодексининг 408-моддаси

3 Гувоҳ, жабранувчи, даъвогар, жавобгар, ишда қатнашувчи бошқа шахсларнинг судга келишдан қасддан бўйин толашида ёки мазкур шахсларнинг ва бошқа фуқароларнинг раислик қилувчи фармойишига бўйсунмаслигида ёхуд суд мажлиси пайтида тартибни бузиш ҳолатлари ўз ифодасини толган тақдирда, ушбу шахсларнинг ҳаракати, судга ҳурматсизлик, деб топилади ва тегишли тартибда жаримага тортилади.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 180-моддаси

4 Суд ишларини ҳал этишга аралашуш, судьяга турли шаклда қонунга хилоф равишда таъсир ўтказиш Жиноят кодексининг 236-моддасига асосан уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиши мумкин.

5 Пора олган ҳам, пора берган ҳам Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 210 ва 211-моддасига асосан ўн йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиниши мумкин.

6 Жиноятга тайёргарлик кўрилатган ёки содир этилган жиноят ҳақида хабар бермаслик ёки уни яшириш ким ва қандай мансабда бўлишидан қатъи назар Жиноят кодексининг 241-моддасига асосан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиниши мумкин.

7 Ҳуқуқни ҳимоя қилувчи органларда ва суд идораларида ишлаётган хизматчи-ҳодимларни пора эвазига оғдириш, яъни уни ўзига ағдирган олаётган шахс манфаатларини кўзлаб ўзи иш бажарилиши ёки бажармаслиги ҳақида билма тўриб, анча миқдорда моддий ҳақ бериш ёки уни мулкий манфаатдор этиш, аниқланган ҳолатларга қараб Жиноят кодексининг 213-моддасига асосан энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача жарима ёки уч йилгача озодликдан маҳрум этиш билан жазоланади.

8 Пора олиш, пора беришда воситачилик қилиш, шунингдек, манфаатдор шахсларнинг топшириғи билан порани бево-сита бериш, аниқланган ҳақиқий ҳолатга асосан Жиноят кодексининг 212-моддасига қўра ўн йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум этилиши мумкин.

Инсондаги ҳар қандай ёмон одатлар — бепарволик, дангасалик, масъулиятсизлик, ўз манфаатини устун қўйиш ҳаётда олган тарбиясига ҳам кўп жиҳатдан боғлиқ эканлигини яхши биламиз. Лекин судьялар оила тарбиясидан ташқари, мактабда, олий ўқув юртида илм олиш билан бирга, судьялик лавозимига келгунча қадар ҳаёт тажрибасига эга бўлиб, ундан ҳам сабоқ чиқарган, ибрат олган бўлиши керак. Шунинг учун ҳам мен яна бир бор мутафаккир аждоди-миз Абдулла Авлонийнинг: "Тарбия биз учун ё ҳаёт — ё мамот, ё наҳот — ё ҳалоқат, ё саводат — ё фалокат масаласидир", деган ҳикматларини ёдидингизга солмоқчиман. Бу бежиз айтилмаган. Ахир, тарбиясиз ва маънавиятсиз, ўзини тийиб юролмайдиган инсонларни қандай аҳволга тушганларни кўраймиз-ку.

Нафсни тийишни уddалайдиган киши — ҳар томонлама кучли ва ақлидир, уddалай олмаганлар — маънавиятдан оқсаган кучсиз ва оқиз кишилардир. Шунинг учун айрим мансабдорлар босар-тусарини билмай қолади ва кўнгли тусасан ишни қилиб, ҳаттоки жирканч қилмишлардан ҳам ҳажир қилмайд.

Хулоса қилиб айтганда, қонун устуворлигини таъминлаш, адолатни бегараз амалга ошириш жараёнида, ҳар қандай йўсинда манфаатдор бўлишга уриниш, ҳаракат ва ҳаракатсизлиkning натижаси оддий фуқароми, мансабдорми, ким бўлишидан қатъи назар, охир-оқибат яхшилик билан тугамайди. Шунинг учун киши ҳар бир ишни қилишдан аввал, шундай қилиш мумкинми, дея ўз-ўзига савол қўйиб, бу ҳуқуқ-мажбуриятим доирасига кирадими, шу иш оқибатида ўзимга ва оила аъзоларимга зарар етмайdimи, деган фикрларни обдон ўйлаб, яъни "етти ўлчаб бир кес" иборасига амал қилиб, кейин ҳаракат қилса, ҳеч қандай бало-қазоларга учрамайди, демоқчиман.

Бир доно киши: "Фақирлигим — ҳалоллигим, Ватанимга, халқимга содиқлигим исботи", деган экан.

Ёзганларимни ҳам раҳбарнинг талаби, ҳам шу соҳа оқсоқолининг, агар кимда-ким тан олса устознинг шогирдларига қарата айтган насиҳати, деб қабул қиласиз, деган умиддаман.


Убайдулла МИНГБОЕВ,
Судьялар олий кенгаши раиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист

Тадбиркор манфаатини ҳимоя қилиб...

ХУДУДЛАРНИ комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, турмуш даражасини ошириш, тадбиркорликни ривожлантириш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича Пайариқ туманидаги 4-сектор раҳбари Ш.Туропов ҳамда адлия бўлими биргаликда “Ҳар бири оила — тадбиркор” дастури ижроси юзасидан тумандаги “Навбахор” МФИда сайёр қабул ташкил этилди.

Кўпета қишлоғида яшовчи яқин тартибдаги тадбиркор “Ботиров Дилмурод” мурожаатида “Кимоди” савдоси орқали Челақ шаҳри маркази ҳудудидан савдо дўкони куриш учун ажратилган 61,25 кв метрдан иборат бўлган 19, 20, 21, 22, 23-сонли савдо дўконлари ерини сотиб олганлигини, сотиб олинган ерга новвойхона қурганлиги ва оилавий ишлатганлигини билдирди. Шундан сўнг 2011 йилда туман ҳокимлиги ходимлари “бошқа ер майдони ва компенсация пулини берамиз”, деб новвойхонасини бузиб ташлаган. Кейинчалик туман ҳокимлиги Челақ шаҳри Қумчуқ маҳалласи ҳудудидан ер майдони ажратганлигини ва ўша жойда савдо дўкони қурганлиги, бир неча йиллардан буён туман ҳокимлиги унга ажратиб берилган савдо дўконига эгаллик қарори чиқармаётганлиги сабабли бу борада амалий ёрдам беришни сўради.

Пайариқ туман адлия бўлими ходимлари мазкур мурожаатни ўрганиб, Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 29 майдаги “Давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун



ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан фуқароларга ва юридик шахсларга етказилган зарарларни қоплаш тартиби тўғрисида Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 97-сонли Қарори билан тасдиқланган Низомнинг “фуқароларга уй-жой майдонининг ижтимоий нормасидан кам бўлмаган бошқа тенг қийматли обод тураржойни мулк қилиб бериш ва дов-дарахтлар қийматини тўлаш, бузилаётган уйлар, бошқа иморатлар, иншоотлар ва дов-дарахтлар қийматини фуқароларга тўлаш, шунингдек, ер участкасини олиб қўйиш муноса-

бати билан мулкдорларга етказилган зарарларни қоплаш” ҳақидаги 8-банди ижроси юзасидан Пайариқ туман маъмурий судининг 2019 йил 18 июлдаги ҳал қилув қарорига асосан Ботиров Дилмуроднинг номига Челақ шаҳри Қумчуқ маҳалласи ҳудудидан 57,6 кв метр ер майдонига қурилган икки қаватли дўконга эгаллик ҳуқуқини белгилаш масаласи ҳал этилди.

Аҳмадали ЖўРАЕВ,
Пайариқ туман
адлия бўлими бошлиғи

ХОДИМЛАР ҲАҚИГА ХИЁНАТ




ФУҚАРОЛАР И.Бакаев, С.Норматова, Д.Тўраева, Ш.Ашуралиевалар 2019 йилнинг март ойи учун ойлик маошлари ўз вақтида берилмаганлигидан норози бўлиб Термиз шаҳар адлия бўлимига келишди.

Меҳнат кодексининг 161-моддасида: “Меҳнатга ҳақ тўлаш муддатлари жамоа шартномаси ёки бошқа локал норматив ҳужжатда белгиланади ва ҳар ярим ойда бир мартадан кам бўлиши мумкин эмас. Ходимларнинг айрим тоифалари учун алоҳида ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан иш ҳақи тўлашнинг бошқа муддатлари белгилаб қўйилиши мумкин”, деб белгиланган бўлишига қарамастан, Термиз шаҳар бандликка кўмаклашиш маркази томонидан Меҳнат кодексининг талаблари қўпол равишда бузилиб, Маҳалла фуқаролар йиғинида жамоатчилик асосида ишловчи ходимларнинг ойлик иш ҳақлари ўз вақтида берилмаганлиги аниқланди.

Мазкур ҳолат юзасидан адлия бўлими томонидан Термиз шаҳар бандликка кўмаклашиш марказига тақдирнома киритилди. Адлия бўлимининг аралашуви билан фуқароларга тўланмаган жами 29 миллион 500 минг сўм миқдоридagi ойлик иш ҳақлари тўлаб берилди.

Ҳабибжон АБДУРАҲМОНОВ,
Термиз шаҳар адлия бўлими масъул ходими

ҚАРЗДОРЛИК АСОССИЗ ҲИСОБЛАНГАНДИ



ШАЙХОНТОХУР туман адлия бўлимига фуқаро Н.Мадрахимов мурожаат қилиб, туман “Электр тармоқлари корхонаси” томонидан унга нисбатан қарздорлик нотўғри ҳисобланганлиги учун ушбу қарздорликни ечишда амалий ёрдам сўраб мурожаат қилган.

Мурожаат бўлим томонидан ўрганиб чиқилганда, ҳақиқатан “Тошкент шаҳар электр тармоқлари корхонаси” АЖ Шайхонтохур туман ЭТК Н.Мадрахимовга нисбатан электр энергиясидан ноқонуний фойдаланганлиги натижасида қарздорлик келиб чиққанлиги ва жами 2.244.153 сўм ундиришни сўраб судга даъво аризаси киритган. Фуқаролик ишлари бўйича Шайхонтохур туманларо суди томонидан ушбу даъво аризаси кўриб чиқилиб, даъвогар “Тошкент шаҳар электр тармоқлари корхонаси” АЖ Шайхонтохур туман ЭТК фуқаро Н.Мадрахимовга нисбатан 2015 йил 5 январь кунги далолатнома асосида ҳисобланган қарздорлиги нотўғри эканлиги аниқланган. Натижада даъвогар даъводан воз кечганлиги сабабли суд томонидан Н.Мадрахимовга нисбатан 2.244.153 сўм ундириш ҳақидаги фуқаролик иши тугатилган.

Мазкур мурожаатга таянган ҳолда бўлим томонидан Шайхонтохур туман “Электр тармоқлари корхонаси”га тақдирнома киритилиб, фуқаро Н.Мадрахимовга асоссиз ҳисобланган жами 2.244.153 сўм қарздорлик ечилиши таъминланди.

Фарҳод САҒАТОВ,
Шайхонтохур туман адлия бўлими етакчи
маслаҳатчиси

МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИ ТУЗИЛГАНЛИГИ ИСБОТЛАНДИ

ЖОМБОЙ туман адлия бўлими томонидан туманнинг “Кўлбости” маҳалласи, Тегирмонбоши қишлоғида яшовчи Э.Худойбердиевнинг “Сувоқова” ДУК Жомбой туман филиалида ҳақиқатда ишни бошлаган кундан эътиборан меҳнат шартномаси тузилган, деб ҳисоблаш тўғрисида фуқаролик ишлари бўйича Жомбой туманларо судига даъво аризаси киритилди.

Жорий йил 17 июль кунги фуқаролик ишлари бўйича Жомбой туманларо судининг ҳал қилув қарори билан даъво ариза қаноатлантирилиб, фуқаро Э.Худойбердиев ҳамда “Сувоқова” ДУК Жомбой туман филиали ўртасида ҳақиқатда ишни бошлаган кундан эътиборан меҳнат шартномаси тузилган, деб ҳисобланди.

Амир НОРОВ,
Жомбой туман адлия бўлими
бош маслаҳатчиси

ТИББИЙ ОРДЕР нега берилмади?



ШИРИН шаҳар адлия бўлимига Дўстлик маҳалласи 1-даҳа, 15-уй, 12-хонадонда яшовчи Санам Холиқова мурожаат қилиб, ўз мурожаатида II гуруҳ ногирони бўлган онаси Майрам Холиқовага Ширин шаҳар Тиббиёт бирлашмаси томонидан даволаниши учун тиббий ордер берилиши лойиҳасида солиниб, берилмасдан келинаётганлигини маълум қилган. Мазкур мурожаатни ўрганиш жараёнида, фуқаро Майрам Холиқова ҳақиқатан ҳам II гуруҳ ногирони эканлиги ва тиббий ёрдам олишда имтиёзли тоифага киритилганлиги боис, даволаниши учун тиббий ордер берилиши масаласида Ширин шаҳар Тиббиёт бирлашмасига мурожаат қилганлиги, бироқ бирлашма масъул ходимлари томонидан ушбу масала навбат кўплиги важи билан асоссиз равишда ортага суриб, келинганлиги аниқланди.

Натижада, адлия бўлими томонидан шаҳар Тиббиёт бирлашмаси бош шифокори номига тегишли хат киритилди. Бу борада бирлашма масъул шахсларидан ушбу муаммо юзасидан тушунтириш талаб қилинди. Ногирон аёлга вилоят кўз касалликлари шифохонасига амбулатор шартларда даволаниш учун йўланма ва тиббий ордер берилди.

Шавкат НОҲҚУЛОВ,
Ширин шаҳар адлия бўлими бошлиғи

ТИНЧЛИК ЙЎЛИДАГИ ХАЛҚАРО КУРАШ

Женева конвенцияларининг 70 йиллигига

ИККИНЧИ жаҳон урушининг аянчли оқибатларидан кейин Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тузилди. Бу тасодифий эмас. Уруш юзага келтирган мудҳиш кулфатларни енгилда одамларга елкадош бўлиш бу ташкилотнинг зиммасидаги улкан вазифа эди. Ҳа пайтларда БМТ низомида давлатларнинг низоли вазиятларда куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик тамойили мустаҳкамланганди. Шу тариқа давлатлар ўртасида тинчликни асраш, алоқаларни мустаҳкамлаш учун бирин-кетин чоралар кўрилади бошланди ва БМТ доирасида шу масала билан боғлиқ ҳаракатлар бугунгача давом этаётти. Аммо урушни тақиқлаш билангина уни йўқ қилиш мумкин, деб ҳисоблаш, албатта, соддалик бўлади.



Мен истардимки, тинчликка бўлган муҳаббат уруш кулфатларидан даҳшатга келган халқларнинг ҳадиқли интилиши бўлиб қолмасдан, соф виждоннинг қатъий талаби бўлсин.

Лев Толстой

Айни дам дунёнинг турли бурчакларида бирин-кетин лавиллаётган "олови нуқталар", Югославия, Ливия, Ироқ, Сурияда ҳамда Собиқ иттифоқ парчаланганидан сўнг МДҲда юз берган қуроли тўқнашувлар, фуқаролар урушлари ҳам шундан далолат беради. Маълумотларга кўра, 1945 йилдан бундан ҳозирги вақтгача 150 дан ортиқ турли уруш ёхуд қуроли низола юзага келган. Ана шу далилларнинг ўзи ҳам урушни тақиқлаш чинакам инсонийлик ва одиллик бўлишига қарамасдан, ушбу тақиқни ҳаётда ҳақиқатан амалга ошириш қанчалик қийинлигини кўрсатиб турибди.

Уруш ҳаракатлари ҳамон энг улкан ижтимоий офатлигича қолмоқда, одамларни жабру-жафоларга, ватангадоликка, улкан йўқотишларга маҳкум этмоқда. Айни шу сабабли тўхтамаётган қуроли низола билан боғлиқ муносабатларга ҳуқуқий таъсир кўрсатиш долзарб аҳамият касб этиб бораётти. Гуманитар ҳуқуқ эса бу борада қуроли низола билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишининг бебаҳо воситаси бўлиб хизмат қилади. Демокчимизки, турли даражадаги низола ҳуқуқий ечим топадиган ва инсонпарварлик гоёларига асосланиб, инсонларнинг ҳақ-ҳуқуқларини халқаро даражада ҳимоя қиладиган ҳужжатлар ва келишувларнинг улуши бунда катта бўлади. Негаки, уруш бўхрони тирик-нотирик жонни аямай ютаётган даврларда, беҳисоб одамларнинг ҳаёти тамоман қадрсиз бўлган пайтда инсонпарварлик гоёси фақат бир неча конвенциялардагина акс эта бошлаган эди.

ХАЛҚАРО ҚИЗИЛ ХОЧ ТАШКИЛОТИ ҚАНДАЙ ПАЙДО БЎЛДИ?

Халқаро гуманитар ҳуқуқнинг вужудга келиши ва ривожланиши Дюнан ва унинг сафдошлари номи билан боғлиқ. Швейцариялик ёш тижоратчи Жан Анри Дюнан (1828-1910) Италияга 1859 йилдаги хизмат сафарига француз-италия ва австрия қўшинлари ўртасидаги Сольферино жангига бевосита гувоҳ бўлди. Жангоҳда ярадорлар, минглаб ҳалок бўлаётганлар қисмати, азоб-қубатлардан қийналаётганларни ўз кўзи билан кўради. Бу манзаралар унда даҳшат ҳисси билан бир ўринда чексиз раҳмдиллик ва инсонпарварлик туйғуларини уйғотади. Анри Дюнан ҳар қандай ҳолатда уларга ёрдам бериш мумкин, деб ҳисоблаган. У маҳаллий аҳолидан бир гуруҳини тўплаб, ярадорларнинг томонлардан қайси берига мансублигидан

қатъи назар, уларга дастлабки тиббий ёрдам кўрсатишни ташкил қилади. У 1862 йилда чоп этилган "Сольферино яқинидаги жанг тўғрисида хотира" китобида Европа давлатларида кўнгилли ёрдам бериш жамиятларини ташкил этиш зарурлиги тўғрисида ёзади. Шундан кейин ушбу инсонпарварлик гоёсини амалга ошириш ҳар томонлама, яъни аҳамиятга эга бўлиб, бундай жамиятларни ташкил этиш жараёни дунёда кескин суръат билан ривожланиб борди. Дюнаннинг олижаноб ҳаракати унинг ҳамфиқрларини шу қадар тўлқинлантириб юбордики, 1863 йилнинг февралда "Бешир кўмитаси"нинг вужудга келиши айни Дюнаннинг гоёларини ҳаётга татбиқ этиш учун уларни бирлаштирди ва халқаро нодавлат ташкилоти — Халқаро қизил Хоч кўмитасининг дастлабки тамал тоши қўйилди. Дюнан бу борадаги сазъ-ҳаракатлари туфайли 1901 йилда халқаро Нобель мукофотининг биринчи лауреатлигига эришди. Халқаро қизил Хоч ташкилоти эса уч марта 1917, 1944 ва 1963 йилларда тинчлик соҳасидаги ҳиссаси учун маъруз халқаро мукофотга сазовор бўлди. Шу тариқа Қизил Хоч асосчиларининг уруш жабрдийдалари тоифасини ҳимоя қилишга қаратилган мажбурий халқаро қоидаларни ишлаб чиқиш тўғрисидаги таклифи 1864 йилги биринчи Женева Конвенциясидан бошланади.

ҚУРОЛЛИ НИЗОЛАНИ ҚОНУН ДОИРАСИГА КИРИТИШ БЎЛАДИМИ?

Халқаро гуманитар ҳуқуқ халқаро ҳуқуқ тармоғи сифатида таркиб толангига ҳали унча кўп бўлмади. Унинг вужудга келиши XIX асрнинг олтинчи йилларига тўғри келади ва у азалдан инсониятга беҳисоб кулфатлар келтириб, инсонлар ёстигини қуритган ва ҳаётини яқсон қилган урушнинг гайринсоний табиатига қарши ўлароқ юзага келган. Гуманитар ҳуқуқ томонидан кўзда тутилган чеклашлар ва тақиқлар қуроли низола билан боғлиқ ҳаракатларнинг жабрдийдаларини ҳимоя қилиш каби олижаноб мақсад йўлида ўрнатилди. Бундай мақсад борлигининг ўзиёқ давлатнинг ўзвонлиги ва бебошлигига, унинг одамлар ҳаётига, инсоннинг шаъни ва қадр-қиммати-га бепасанд муносабатда бўлишига монелик билдиради. Гуманитар ҳуқуқнинг амалий кучи айни шундаки, у, қуроли низола билан уларнинг турларидан қатъи назар, қонун доирасига киритади, ўзи ўрнатган қоидаларни бажаришга давлатларни мажбур этади.

КОНВЕНЦИЯ КИМЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛАДИ?

Кейинчалик Халқаро гуманитар ҳуқуқнинг кодификация жараёни жадаллашиб боргани сайин унинг нормалари томонидан ҳимоя қилинувчи шахслар доираси тобора кенгайиб борди. Пировардида, ёрдамга муҳтожларни ҳимоя қилувчи бу каби ташкилотларнинг вазифаси фақат уруш жабрдийдаларига эмас, оддий фуқароларга ҳам ёрдам кўрсатиш билан узвий боғлиқ бўлди. Бу эса Иккинчи жаҳон урушидан кейинги даврга тўғри келди, ўшанда 1949 йилда тўртта Женева Конвенцияси тузилган эди, уларнинг ҳар бири уруш жабрдийдаларининг муайян тоифасини ҳимоя қилишга бағишланди. Шулардан бири эса гуманитар ҳуқуқ тарихида илк бор тинч аҳолини ҳимоя қилиш билан боғлиқ бўлган муносабатларни тартибга солишга бағишланди.

1949 йилнинг август ойида Женева Дипломатик конференцияси бўлиб ўтди, у 21 апрелдан 12 августгача давом этади. Ўшанда конференция қатнашчилари — ҳуқуматлар вакиллари бу ерда қатор конвенцияларни, шу жумладан, 1907 йил 18 октябрдаги Гага Конвенциясини ва 1929 йил 27 июлдаги Женева Конвенциясини ҳам қайта кўриб чиқадилар. Энди воқеликнинг ўзгарган шароити ва эҳтиёжга мосланиб, инсонпарварликка асосланган ҳуқуқий тизим янада такомиллаштирилиши ва ривожлантирилиши, айниқса, иккинчи жаҳон уруши оқибатларини инобатга олган ҳолда тараққий эттирилиши зарур эди. Уларни қайта кўриб чиқиш асосида конференция қатнашчилари қуйидаги тўртта битимни тузишга муваффақ бўлдилар:

- I Женева Конвенцияси — ҳаракатдаги армияларнинг ярадорлари ва беморларнинг қисматини яхшилаш тўғрисида;
- II Женева Конвенцияси — денгиздаги қуроли кучлар таркибидagi ярадорлар, беморлар ва кемалари ҳалокатга учраган шахсларнинг қисматини яхшилаш тўғрисида;
- III Женева Конвенцияси — ҳарбий асирлар билан муомалада бўлиш тўғрисида;
- IV Женева Конвенцияси — уруш вақтида тинч аҳолини ҳимоя қилиш тўғрисида.

Урушнинг қонунлари ва одатларини тизимлаштирган гуманитар ҳуқуқ манбалари шу тариқа яратилган эди. 190 давлатдан ортиқ иштирокчи бўлган 1949 йилнинг 12 августидagi Конвенциялар ҳамда уларга доир 1977 йил 8 июнда қабул қилинган қўшимча иккита Баённомани Ўзбекистон Республикаси 1993 йил 3 сентябрда имзолаган.

1949 йилдаги Женева Конвенциялари ва 1977 йилдаги Қўшимча Баённомалар халқаро гуманитар ҳуқуқнинг асосий ҳужжатлари ҳисобланади, улар маънавий-ахлоқий тамойилларга, умуминсоний кадриятларга ва биринчи навбатда инсонпарварликка асосланган. 1949 йилда тўртта Женева Конвенцияси имзоланиши муҳим тарихий воқеа бўлди, уларнинг мазмуни ҳозиргача ўз долзарблигини йўқотгани йўқ. Ушбу конвенциялар амалдаги армияда ярадор ва касалларни, тиббий ходимлар ҳамда кема ҳалокатига учраган ёки асирликка тушган шахсларни ҳимоялайди. Шунингдек, мазкур конвенциялар туфайли уруш пайтида фуқаролар ҳимояси қонунийлаштирилди.

ХАЛҚАРО ҚИЗИЛ ХОЧ ТАШКИЛОТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН

Халқаро Қизил Хоч кўмитаси фаолиятининг муҳим йўналиши аҳолининг кенг қатлами ўртасида Халқаро гуманитар ҳуқуқ (ХГҲ) тўғрисидаги билимларни тарқатиш ҳисобланади. Ўзбекистон Қизил ярим ой жамияти 1995 йилда Қизил Хоч ва Қизил ярим ой жамиятлари халқаро федерацияси аъзолигига қабул қилинган. Мазкур ташкилотлар Ўзбекистонда аҳолини кучли ижтимоий ҳимоя қилиш, саломатлигини муҳофазалаш, тиббий маданиятини янада юксалтириш, турли фавқуллода вазиятларда тезкор ва малакали тиббий хизмат кўрсатиш масалалари билан шуғулланади. Жорий йил май ойида қуроли тўқнашувлар ҳудудида бўлган 156 та Ўзбекистон фуқаросини Суриядан мамлакатимизга қайтариш амалиётини ўтказиш ҳам бир қатор халқаро ташкилотлар қаторида халқаро Қизил Хоч кўмитаси ҳам яқиндан кўмаклашгани алоҳида таъкидлаш лозим Тошкент давлат юридик университети (муқаддам ТДЮИ) Халқаро Қизил Хоч ташкилотининг (ХҚҲТ) Ўзбекистондаги ваколатхонаси билан гуманитар ҳуқуқларга оид билимларни олий ўқув юртли ва академик муассасалар ўртасида тарқатиш дастури доирасида кўп йиллар давомида ҳамкорлик қилиб келди. Жумладан, "Халқаро гуманитар ҳуқуқ" фани республикамизнинг қатор олий ўқув юртли (ТДЮИ, ЎЗМУ, ЖИДУ) ўқув режасига махсус ва факультатив курс сифатида киритилган ва қатор дарслик ҳамда ўқув қўлланмалари ҳамкорликда яратилган. Ана шу ҳамкорлик асосида Марказий Осиё мамлакатлари орасида биринчи бор Ўзбекистонлик олима Г.М.Тансиқбоева муаллифлигида ўзбек ва рус тилларида "Халқаро гуманитар ҳуқуқ" номли дарслик тайёрланган. Бундан ташқари, муқаддам мазкур ўқув юртлининг бир қатор ўқитувчилари ХҚҲТ томонидан Халқаро гуманитар ҳуқуқ фанига оид ташкил қилинган ўқув дастурларида иштирок этганлар. Мазкур ўқув курслари уларнинг бу фанга доир касбий малакасини кенгайтириш ҳамда янги билимлар билан бойитишга хизмат қилди.

Давлатимиз ҳавфсизлиги ва барқарор иқтисодий тараққиёти, халқимизнинг осуда, фаровон ҳаёти ва бунёдкорлигини таъминлаш йўлида мамлакатимиз мудофааси, ташқи таҳдидларнинг олдини олиш қобилияти замон талаблари даражасида бўлиши муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон халқаро миқёсдаги асосли ва эзгу ташаббуслари билан жаҳон ҳамжамияти ҳурматини қозонмоқда. Хусусан, Марказий Осиёда тинчлик, барқарорлик ва изчил тараққиёт ҳамда ядро қуролидан холи ҳудуд барпо қилиш, афгон жоғаросини БМТ шафелигида тинч музокаралар ўтказиш йўли билан ҳал этиш каби қатор тинчликсевар ташаббуслари бутун дунёда ўз эътирофини топди.

Омонулла МУҲАММАДЖОНОВ,
юридик фанлар доктори

ДОРИ воситалари ва тиббий буюмлар чакана савдоси билан шугулланадиган тадбиркорлик субъектлари фаолияти учун лицензияларни давлат хизматлари марказлари орқали олаётгани анча-мунча қинғир ишларнинг пайини қирқди. Чунки дори-дармон ва тиббиёт анжомлари савдосига рухсат берувчи ваколатли идора фаолияти электрон ахборот алмашинувига киритилди. Шундан кейин бундай қоидабузарликлар яққол кўрина бошлади.

Агентликнинг топшириғига кўра, тизимнинг Навоий вилоят бошқармаси томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 284-сонли қарори асосидаги "Дори воситалари ва тиббий буюмларни чакана реализация қилиши лицензиялаш тартиби тўғрисида"ги Низомга биноан лицензиялаш ҳолати dxa.gov.uz электрон тизимида 2018 йилнинг июль ойидан 2019 йилнинг июль ойигача бўлган давр мобайнида ўрғанилганда, бу манзара янада равшанлашди.

Аниқланишича, "TURKISTON-FARM" масъулияти чекланган жамаиятининг дори воситалари ва тиббий буюмларни чакана реализация қилиши лицензия олиш юзасидан қилган мурожаати Навбахор туман Давлат хизматлари маркази томонидан шу куннинг ўзида электрон ахборот алмашинуви дастури орқали ишчи органга юборилган. Аммо мазкур мурожаатга жавобан Навоий вилоят солиқни сақлаш бошқармаси масъул ходими Анвар Нурмаматов томонидан 30 кунга кечиктириб лицензия берилган. Ваҳоланки, Низомнинг 18-бандида, лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги қарор лицензия талабдорининг аризаси олинган кундан бошлаб 15 кундан ортиқ бўлмаган муд-

датда қабул қилиниши белгиланган.

Шунингдек, 2019 йил 16 майда "ZAFAR-TEMURBEK FARM" хусусий корхонаси томонидан фаолиятини қайта расмийлаштириш юзасидан қилинган мурожаат Кармана туман Давлат хизматлари маркази мутахассислари томонидан шу куннинг ўзида электрон ахборот алмашинуви орқали ишчи органга юборилган бўлса-да, яна масъул ходим мурожаат жавобини 11 кунга кечиктириб марказга юборган. Ваҳоланки, Низомнинг 41-бандида, лицензияни қайта расмийлаштириш беш кун мобайнида амалга оширилиши белгиланган. Худди шундай ҳолат яна 12 та тадбиркорлик субъекти мурожаатида такрорланган.

БИР КУНЛИК ЛИЦЕНЗИЯ ҲАМ БЎЛАДИМИ?

Бундан ташқари, 2019 йил 12 апрелда "DEAL FARM 2019" хусусий корхонасининг дори воситалари ва тиббий буюмларни чакана реализация қилиш учун лицензия олиш юзасидан қилган мурожаатига жавобан лицензияловчи орган унга 1 кун муддатга амал қилувчи (берилган санаси 17.04.2019 йил, амал қилиш муддати 17.04.2019 йил) лицензияни Кармана туман Давлат хизматлари маркази орқали тақдим этган. Ваҳоланки, Низомнинг 6-бандида дори воситалари ва тиббий буюмларни чакана реализация қилиш учун лицензия беш йил муддатга берилиши белгиланган.



“Электрон қопқон”га тушган ходим



Таажуб. Бир кунлик лицензия ҳам бўладими? Бу қандай ҳол? Эътиборсизлик, ўз ваколатига лоқайдлик натижаси. Бу бир лицензия учун тадбиркорлик субъекти 15 кун вақтини ўтказиб, каммига 2 миллиондан ортиқ пул тўлаб кутса-ю, қўлига теккани, бир кунда очилиб, шу кунда ёпилганлиги хусусидаги шунчаки “кераксиз қоғоз” аҳамиятидаги ҳужжат бўлиб чиқса. Буни қандай тушуниш мумкин?

атайлаб қилинган, “нимадандир умидвор”, деган ўй-фикрни келтириб чиқариши тайин.

Вилоят солиқни сақлаш бошқармаси масъул ходими Анвар Нурмаматов юридик шахсларга давлат хизматлари кўрсатишининг қонун ҳужжатларида белгиланган тартиби ва муддатларини мунтазам бузиб, бу билан Мазмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 215^с-моддаси, 1-қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик ҳолатини содир этганлиги учун унга нисбатан энг кам ойлик иш ҳақининг 3 баравари миқдориде, яъни 608.190 сўм жарима жазоси тайинланди.

Аслини олганда, кечиктирилган лицензиялар учун жарима тўлашининг ўзи камлик қилади. Бундан ташқари, электрон “қопқон”га тушган ҳуқуқбузар ўрганган одатини яна давом эттирмаслигига ким қафолат беради?

Адхам ЁРҚУЛОВ,
Давлат хизматлари Агентлиги
Навоий вилоят бошқармаси
бўлим бошлиғи

ИНСОН ҳуқуқлари бўйича миллий марказнинг Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш бўлими қабулхонаси кўпинча турли шаҳар ва қишлоқлардан келган фуқаролар билан гавжум бўлади. Улар бу ерга адолат излаб келишади. Кимдир маъмурларнинг адолатсиз қароридан, бошқа бировлар суд чиқарган ҳукмдан норози. Уларнинг ҳаммаси ҳақиқат қарор топиши илинжида бўлади. Бу умид кўпинча рўёбга чиқади.

ҲАҚИҚАТ БАРИБИР ҚАРОР ТОПАДИ

гач, адолат қарор топишига умид қила бошладим. Уларнинг мурожаатлари асосида Бош прокуратура томонидан Олий судга менинги ишим бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар тўла текширилмаганлиги ва тўпланган далилларга етарлича қонуний баҳо берилмаганлиги ҳисобга олиниб, назорат тартибиде протест киритилди.

Натижада ишим назорат тартибиде Олий суднинг Жиноий ишлар бўйича судлов ҳайъатида кўриб чиқилди ҳамда мурожаатим юзасидан жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди апелляция инстанциясининг 2017 йил 26 сентябрдаги қарори бекор қилинди ва иш апелляция инстанциясининг бошқа таркибиде янгидан кўриб чиқиш учун юборилди.

Ниҳоят, Тошкент шаҳар суди апелляция инстанциясининг 2019 йил 13 июндаги ақрими билан содир этилган жиноятга дахлим йўқлиги, менда назарда тутилган жиноят аломатлари (жиноят таркиби) бўлмаганлиги учун ҳам жиноят ишлари бўйича Юнусобод туман судининг чиқарган ҳукми бекор қилинди, жиноят иши ҳаракатлари тугатилди.

компенсация пуллари Э.Акрамовага тўлиқ тўлаб берилиши таъминланди.

Марказ томонидан фуқароларнинг мурожаатлари ижросини таъминлаш учун кўрилган чоралар туфайли Сурхондарё вилоят ҳокимлиги Термиз туманида яшовчи Э.Абдуҷалилованинг аризаси асосида унинг турмуш шaroитини ўрганди. Унинг oilасида икки нафар ногирон борлиги ҳисобга олинган ҳолда уларнинг Тошкент шаҳрида даволанишлари учун ордер тақдим этди. Oilа аъзолари уй-жойга муҳтожлиги сабабли меҳнат лаёқатларида ҳам қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйилганлиги баён этилган эди. Тегишли ҳужжатлар асосида ҳолат ўрганиб чиқилиб, апелляция инстанция судларининг ақрими билан биринчи босқич судларининг айбловлари қайта квалификация қилиниб, белгиланган жазо муддатлари ўзгартирилишига эришилди.

Фуқаролар Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказга ўзларининг ижтимоий-иқтисодий, мулкӣ, меҳнат ҳуқуқлари бўйича тез-тез мурожаат қилиб туришади. Бу мурожаатларда баён этилган муаммолар ижобий ҳал этилиши учун тегишли идора ва муассасалар билан биргаликда барча зарур чоралар кўрилади. Масалан, Солиқ академиясини имтиёзли тугаллаган, Меҳрибонлик уйининг солиқ тарбияланувчиси Э.Акрамова давлат бюджет ва ҳомиёлар маблағлари ҳисобидан 90 миллион сўм ажратди.

Тошкент Давлат педагогика университетида талабалikka қабул қилинган чин етим Г.Буриева марказ мурожаати асосида Қашқадарё вилояти Яққабғ тумани ҳокимининг қарори билан тўлиқ давлат таъминотига олинган.

“Хунарманд” уюшмасининг аъзоси, яқка тартибдаги хунарманд М.Хамраев Бухоро вилоят Фиждудов туман Давлат солиқ инспекцияси томонидан асоссиз равишда солиқ қардорлигига дучор қилинганлиги тўғрисидаги ши-


Шу йил биринчи ярмининг ўзиде Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказга 1200 га яқин фуқаро ёзма мурожаат қилди, 370 нафардан кўпроқ киши эса идоранинг ўзиде бевосита шахсий қабулда бўлди. Фуқаролар мурожаатларининг ҳар бири синчиклаб ўрганилиб, уларда кўтарилган масалалар ижобий ҳал этилиши учун барча зарур чоралар кўрилмоқда.

қояти ҳам марказнинг аралашуви билан ижобий ҳал қилинди. Уста хунарманднинг бузилган ҳуқуқлари тикланди, асоссиз ҳисобланган солиқ қардорлиги бекор қилинди ва унга давлат томонидан белгиланган имтиёзлар таъминоти таъминланди.

Шу йил биринчи ярмининг ўзиде Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказга 1200 га яқин фуқаро ёзма мурожаат қилди, 370 нафардан кўпроқ киши эса идоранинг ўзиде бевосита шахсий қабулда бўлди. Фуқаролар мурожаатларининг ҳар бири синчиклаб ўрганилиб, уларда кўтарилган масалалар ижобий ҳал этилиши учун барча зарур чоралар кўрилмоқда.

Эркин ЭРНАЗАРОВ

ОНАНИ Ватанга қиёслаймиз, эъозлаймиз. Аёлни оиламиз чироғи, кўнглимиз фароғати, дея ардоқлаймиз. Аммо аёлга бахт бердик, деб гоҳо унинг елкасида оғир юкларни ҳам ортиб қўямиз. Нозик елкасида оғир юклар билан анча жойга бориб қолган, соғлигини йўқотиб, хаста бўлганида меҳримизни ундан дариг тутамиз “қунда касал, жонимга тегди”, дея зугум қиламиз.



ГЕНДЕР ТЕНГЛИГИ: ёхуд аёлларга меҳр-оқибатдан квота бўлсин

лиги ўз-ўзидан аён.

Кейинги вақтда гендер тенглиги ҳақида кўп гапирадиган бўлдик. Гендер тенглигини ҳаётга татбиқ этиш борасидаги илк қадамлар сезила бошланди. Ўзбекистон тарихида биринчи марта юқори лавозимга — Сенат раислигига аёл киши сайланди. Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида Хотин-қизлар ва гендер тенглиги масалалари бўйича кўмитга тузишни таклиф этди. Буларнинг барчаси Ўзбекистонда гендер тенглигига эришиш йўлидаги ижобий ўзгаришлар, албатта.

Аммо биргина бу билан гендер тенглигига эришдик, дея олмаймиз. Ахир, кеча эмас, бугун ҳам гендер тенглиги нима эканлигини билмайдиган, аниқроғи, билишни истамайдиганлар орамизда жуда кўп.

Чунки ораста, билимдон, оқила кизларни, имонли ўғилларни тарбиялаган, оқ ювиб, оқ тараган, тур-

муш ўртоғига меҳр кўрсатган, олага барака киритиб турган “ишламайдиган” олий маълумотли аёлни камситиш, унга қўпол муносабатда бўлиш ҳолатлари кузатилади. Хусусан, кўнгил қўйиб турмуш қуриб, йиллар ўтиб, бир пайтлар сеvimли бўлган аёлдан кечиб, вояга етмаган фарзандлар билан уларни кўчада бошпанасиз қолдириш каби ноҳўжа ҳаракатлар учрамоқда. Қолаверса, “ўғлим ўқисин, қизинг ўқиб, шаҳар олиб берармиди”, дейдиган оталарнинг кескин қарори, иккита дипломи бўлса ҳам мен хоҳласам хотиним ишлайди, хоҳламасам йўқ, дейдиган “якхақоим” эрининг пўниси, илож бўлса хотин-қизларни ишга олмаслик чораларини кўраётган амалдорларнинг ҳадикларига кўп бора дуч келинмоқда.

Тўғри, шарқона одобу ахлоқимиз гендер тенглигидан кулчирик бўлиши мумкин. Аниқроғи, шундай деб кўпчилик ўзини овутмоқчи бўлади.

ЮНЕСКО эксперти, тарих фанлари доктори, Хофстра университети профессори Элёр Каримовнинг фикрича, бизда ёш қизларнинг коллеж ва лицейларни битириб, турмушга чиқиб кетиши, олий маълумотга эга эмаслиги ҳолатлари уларнинг жамиятда ўз ўрнини топа олмаётганлигига сабаб бўлмоқда.

Бу тенгликни аслида ҳар бир инсоннинг кадр-қимматини тан олиш, ҳурмат қилиш, деб талкин қилиш зарур.

Ахир, қачонгача, ҳар куни ичиб келиб, хотинини уриб, бошини ёрайдиган, оёқ-қўлини синдирадиган, ўз фарзандларини бу ҳаётдан бездирдиган зўравон эркакларни, тўрт муҳаси соғ бўла туриб ўзи ишламайдиган, касалманд аёли ва вояга етмаган боласини ишлашга мажбур қиладиган ноинсоф эркакларни яширамиз? Аёлларнинг шу каби муаммолари ва бунинг оқибатида муҳим фожиялар содир бўлаётгани тўғрисида бот-бот айтилмоқда. Бу эса, ақчиқ эртакларнинг ўтмишда қолмаганлигини, балки ҳозир ҳам давом этаётганлигини билдиради.

Яна бир оддий мисол. Болажон халқимиз. Фарзандимиз-дилбандимиз, деймиз. Боламизни бошимиздан баландга кўтарамиз. Аммо оилада қатор қиз фарзандлар туғилиб

қолса, ўғил туғмайдиган хотиндан воз кечиб, ўз болаларига бегонадай қарайдиган оталарга ҳам гендер тенглигини яхшилаб тушунтириб қўйиш керак. Чунки бу ҳам аёлни камситиш, ҳатто хўрлашнинг бир тури эмасми?

Мулоҳазаларимиздан асл ҳулоса шуки, аёлларга унвонлардан, шону шуҳратлардан муҳимроғи — оила бахти, фарзандларнинг беминнат осуда бахт ошенида камолга етишидир. Аслида ҳам аёллар учун мансабларга, амалларга квота керакмас, уларга, энг аввало, меҳр ва оқибат тенглиги, беминнат меҳр ва инсонни тушуниш квотаси бўлсин.

Бухоро шаҳрида Anhor.uz интернет нашри томонидан ЮНЕСКОнинг “ОАВларида “Низо тили”: гендер ўлчам” лойиҳаси доирасида Самарқанд, Навоий, Қашқадарь, Сурхондарь ва Бухоро вилоятлари журналистлари учун “Гендер тенглиги ва бағрикенглик мавзусини ёритишда журналистларнинг потенциални кучайтириш” номи тренинг ташкил этилди. Тренинг медиатренерлари ЮНЕСКО эксперти, тарих фанлари доктори, Хофстра университети профессори Элёр Каримов, Лола Исламова ва Саида Сулаймонова, Дарья Османоваларнинг тақдимотлари барчада қизиқчи уйғотди. Ушбу икки кулик тренингда журналистлар учун ўйлаб янги долзарб мавзулар ҳақида ўйлаш уларни ёритиш имкониятлари пайдо бўлди. Ёшлар Иттифоқи ҳамкорлик қилган мазкур лойиҳада Бухоро ёшлари жуда фаоллик кўрсатганини ҳам алоҳида эътироф этиш лозим.

Маруза ХОСИЛОВА,
“Исон ва қону” мухбири

ЎЖИНОЯТ ҲАҚИКАТИ ВА АДОЛАТ

НОВВОЙХОНАДАГИ ҚОТИЛЛИК

ПАЙАРИҚЛИК Алишер Болиев (исм-шарифлар ўзгартирилган) 28 ёшда. У ўсмирлик чоғларидан самарқандликларга хос касблардан бири новвойликка қизиқиб, уста новвойларга шоғирд тушиб, бинийидек новвойга айланди.

У бир неча йиллар турли новвойхоналарда нон ёпиб, маҳоратини ошириб, тирикчилик қилиб юрди. Қуяллардан бир куни Алишернинг баҳамлик эски таниши Тўлқин кўнғирок қилиб, Ўсмаат шаҳарчасида яшовчи фуқаро М.Сулаймоновага тегишли новвойхонага яхши новвой кераклигини айтиб қолди. Алишер Тўлқиндан вазиятни сўраб-суриштирди. Алишер Самарқанд шаҳридаги “Далний лагер” массивида ишлаб юрганда танишган, нон ясаб билан шугулланадиган, сўнгги пайтларда ўзаро ишқий муносабатда бўлиб юрган ўзи тенги Гулмира Абдурасуловага ва яна бир тенгкур новвой жўраси Зухриддин Бозорбоевларга кўнғирок қилиб, яхши иш топганлигини айтиб, эртасига Самарқанд шаҳрининг бош бекатида учрашганига келишди. Эртасига уювлон бош бекатда кўришиб, таксига ўтириб, Ўсмаат шаҳарчасига жўнаб кетишди. Алишер йўлда Гулмирани Зухриддинга “Бу қатга нон ясовчимиз, янганг бўлади”, деб таништирди.

Ўсмаат шаҳарчасидаги новвойхона эгаси билан ўзаро келишиб, иш-

ни бошлаб юборишди. Новвойхона эгаси Алишернинг Гулмирани “Келинингиз бўлади”, деб айтган гапига табиийки, ишонди. Уювлон икки, уч кун нон ёпгач, негадир ноилари яхши сотилмай, ишлари юришмади. Новвойхона инсонларга ризқ улашадиган, ҳалоқлик ва покизалик муҳим аҳамият касб этадиган жой эканлигини халқимиз яхши билади. Бундай юмушхоналарда эркак ва аёлнинг никоҳсиз яшаб, нахс ботқоғига ботиб юрганларидан сўнг қаердан ҳам ишлари юришиб, барака бўларди?! Албатта, йўқ!

Эргалаб Алишер уйқудан тунд ҳолда уйғониб, Гулмира ва Зухриддинга: “Иккаланг ҳам бу ердан йўқол, бир ўзим ҳам ишлайвераман”, деди-да, жаҳл билан туман марказига қараб кетди. “Грилл центр” овқатланиш шохобчасига бориб арок ичди. Енидаги стоида ўтирган йигитлар уни ўз ёнларига таклиф қилгач, уларнинг даврасига қўшилиди. Янги дўстлари билан арок, пивони аралаштириб ичиб, ғирт маст ҳолда соат 12:00 ларда новвойхонага қайтди. Ичкарига киргач, Гулмира ва Зухриддиннинг кучоқлашиб ўтирганини кўриб, рашик кўзиб, газабланиб Гулмирани уриб кетди. Сўнгра унинг сочидан судраб, багтар дўшпаслашга тушди. Алишер хонага бир неча марта уларни ажратиб учун кирган Зухриддинни ҳайдаб чиқарди. Бу орада новвойхона ёнидаги болалар ботчасидан ходимлар чиқиб: “Бақир-чақир қилманлар, ботчага ҳам эшитилаяпти, бўлмаса милиция чақирамиз”, дейишди. Зухриддин аёлларга: “Улар эр-хотин, ҳозир ярашиб кетишади”, деб алдаб жўнатиб юборди. У ёқда газаб

отиға минган Алишер новвой Гулмирани уриб-тепиб тан жароҳати етказганидан кўнги тўлмагач, уни қасдан ўлдириш мақсадига, унга кучли изтироб бераётганлигини англаган ҳолда, қаттиқ азоблаб, ўта шафқатсизлик билан жами 45 маротаба ҳаёт учун ҳавфли бўлган оғир тан жароҳатларни етказди.

Гулмира воқеа жойида, новвойхонада ҳаётдан қўз юмди. Ичкарида жимлик бўлиб қолганидан сўнг З.Бозорбоев хавотирланиб хонага кирганида, Алишер қаровотда ухлаб ётар, Гулмира эса ерда ётарди. Зухриддин атроф қип-қизил қонлигини кўриб, оғайниси-нинг аёлини ўлдириб қўйганлигига амин бўлса-да, ушбу жиноят ҳақида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга хабар бермасдан воқеа жойидан яшириниб, такси ёллаб, Самарқандга равона бўлди...

Жиноят ишлари бўйича Жиззах вилоят суди судлов ҳайъати жиноят ишини кўриб чиқиб, судланувчи Бозорбоев Зухриддин Муҳиддиновични Жиноят кодексининг 241-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганидада айбли, деб топиб, унга иш ҳақининг 30 фоизи миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланди.

Судланувчи Болиев Алишер Беркинович Жиноят кодексининг 97-моддаси, 2-қисмининг “ж” бандида назарда тутилган жиноятни содир этганлиқда айбдор деб топилиб, унга 20 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди.

Неъматилла БОЙМУРАТОВ,
жиноят ишлари бўйича
Жиззах вилоят суди судьяси

“ВИЖДОНЛИ” СУД ЭКСПЕРТИ

ОҚОЛТИНЛИК Ҳамид Дониёров (исм-шарифлар ўзгартирилган) ўзаро оилави келишмовчилик оқибатида турмуш ўртоғи Г.Юлдошевага шапалоқ тортиб юборганида, ерга йиқилиб, ўнг қўли тирсақ қисмида қучли оғриқ сезди. Ҳ.Дониёров турмуш ўртоғи билан Янгиер шаҳар тиббиёт бирлашмасига бориб дастлабки тиббий муолажани олиб, уйига қайтишди. Табиийки, эртасига ИИБ ходими С.Донабаев эр-хотинини ИИБга олиб берди. Дастлабки суриштирув ўтказилгач, Г.Юлдошева Оқолтин туман суд тиббий экспертизасига олиб борилди. Эксперт А.Холиков Г.Юлдошевани кўриқдан ўтказгач, уни ташқарига чиқариб юбориб, эри Ҳ.Дониёровга юзланди: “Аёлингизнинг тан жароҳати оғир, агарда бу ҳақда ҳулоса ёсам, сизга нисбатан жиноят иши очилиб қамалиб кетасиз”, деди. Эксперт А.Холиков Ҳ.Дониёровга етказилган тан жароҳатини енгитишга бўлган эъза, иш ёпилишини, бунинг учун 300.000 сўм тўлаши кераклигини айтди. Ҳ.Дониёров энди бир кам турмуш ўртоғини уриб қамалиб кетибди, деган шармандалиқдан кўриб айтилган пуллари олиб келишга рози бўлди. Ташқарига чиқиб бу ҳақда хотинига айтганда: “У ҳеч бўлмаса 250.000 минг сўмга кўндирмабсизда, 50.000 минг сўмга дори-дармон олиб берар эдингиз”, деди. Ҳ.Дониёров ортга қайтиб эксперт А.Холиқовга шарафтини тушунтириб, 300.000 минг сўмга қийналаман, 250.000 минг сўмга рози бўлинг, 50.000 минг сўмга хотинимга дори-дармон олиб бераман деди. Экспертнинг жаҳли чиқиб, ноилж 250.000 минг сўмга рози бўлди, фақат тезда етказишни тайинлади. Ҳ.Дониёров ИИБ ходими С.Донабаев билан учрашганда унга

бўлган воқеани айтиб берди. С.Донабаев Ҳ.Дониёровга бу иш жиноят эканлигини таъкидлаб, бу ҳақда ИИБга ариза ёзиб бериши мумкинлигини айтди. Ҳ.Дониёров турмуш ўртоғи Г.Юлдошева билан Сирдарь вилоят ИИБга ариза билан мурожаат қилди. Ҳ.Дониёров “ишлов берилган” 250.000 минг сўм пулни эксперт А.Холиқовга олиб келгач, эксперт ундан қанчасини беришга розисиз деб сўради. Ҳ.Дониёров барчасига рози эканлигини, фақат ишини ижобий ҳал қилиб беришини илтимос қилди. Шунда эксперт Ҳ.Дониёровни “Майли, менинг виждоним бор, 100.000 минг сўмини олиб қолиб, 150.000 минг сўминини беринг”, деди. Ҳ.Дониёровнинг 150.000 минг сўм пулини олиб, қайта-қайта унинг розилигини олди ва уни эшиккача кузатиб қўйди. Дастлабки тергов ва суд давомида “виждонли эксперт” қилган жиноятни тан олмайди. Лекин диктофондаги ўзаро суҳбатлар, махсус кукун билан ишланган пуллари ушлаганда, унда қолган бармоқ излари жиноятни фош этди.

Жиноят ишлари бўйича Оқолтин туман суди А.Холиковни Жиноят кодексининг 210-моддаси, 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганлиқда айбли, деб топиб, уни 2 йилга давлат ташкилотларида мансабдорлик билан боғлиқ лавозимларни эгаллаш ҳамда суд экспертизаси соҳасида ишлаш ҳуқуқини чеклаб, 3 йилга озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланди.

Миргани МИРЗОҲИДОВ,
жиноят ишлари бўйича
Оқолтин туман суди раиси,
Шўхрат СУЯРОВ,
“Исон ва қону” мухбири

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШДА ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ



ХИТОЙ

Агар Сингапурда коррупциячи амалдор маълум бир муддатга қамоқ жазосини олган бўлса, Хитойда бунинг учун бир ўмрлик қамоқ ёки ўлим жазоси жорий этилган. Маълумотларга кўра, 2003 йилдан бери бу давлатда 10 мингга яқин мансабдор ўлимга ҳукм қилинган, 120 минг нафари эса узоқ муддатларга қамалган. Айрим ҳолатларда пора билан ушланган амалдорларнинг қўллари чопилган.



НИДЕРЛАНДИЯ

Нидерландияда ҳам бу иллатга қарши курашиш учун қатор чоралар ишлаб чиқилган. Пора билан қўлга тушган амалдорга кейинчалик давлат ташкилотларида ишлаш тақиқланади, у барча ижтимоий имтиёз ва саволатлардан маҳрум этилади.

Эҳтимовий пораҳўр амал курсисини эгаллашмаслиги учун кадрлар танлашнинг махсус тизими ташкил этилган. Бундан ташқари, йирик муассасаларда

ПОРАХЎРЛИККА қарши ҳар бир давлат ўз услубида курашиб келади ва қайсидир давлатда коррупцияга деярли барҳам берилган бўлса, яна қаердадир бу иллат "ғуллаб-яшнаш" да давом этади. Қуйида коррупцияга қарши курашиш борасида жаҳон тажрибасини эътиборингизга ҳавола қиламиз.



СИНГАПУР

Коррупцияга қарши муваффақиятли курашиш намунаси сифатида Сингапурдаги ислохотларни кўрсатиш мумкин. Бу давлат қисқа вақт ичида Осиёнинг қолоқ мамлакатидан дунёнинг энг ривожланган давлатларидан бирига айланди. Бунинг замирида эса коррупцияга қарши кураш ётади.

Ҳукумат бу борада махсус дастур ишлаб чиққан бўлиб, унга кўра барча даражадаги амалдорларнинг фаолияти тўлиқ шаффоф бўлиши таъминланди. Коррупцион алоқалар илдиз отмаслиги учун мажбурий ротация тартиби жорий этилди. Барча даражадаги амалдорларнинг фуқаролар билан муносабатларида тизимли назорат ўрнатилди ва турли бюрократик тўсиқлар олиб ташланиши учун бу муносабатлар механизми такомиллаштирилди.

Бундан ташқари, барча мансабдорларнинг маошлари сезиларли даражада оширилди, суд тизими мустақиллиги таъминланди, пора олганлик ва берганлик учун жазо кескинлаштирилди. Шу билан бир вақтда коррупциянинг ҳар қандай кўриниши ҳақида жамоатчиликни хабардор қилиб турувчи мустақил ОАВ шаклланилди.

Сингапур етакчиси Ли Куан Юнинг коррупция устидан ғалаба қозонишини истаган инсон ўз қариндошлари ва яқин дўстларини ҳам қамашга тайёр бўлиши кераклиги ҳақидаги машҳур ибораси мамлакатда коррупцияга қарши кураш аёвсиз бўлганидан далолат беради.

мансабдорлар ўз ваколатларини суистеъмол қилишларининг олдинчи олиш учун уларни кузатиб турадиган алоҳида ички хавфсизлик тизими мавжуд бўлган. Мамлакатда ОАВга порахўрлик ҳолати билан боғлиқ воқеаларни кенг ёритишга ва суриштирувлар ўтказишга рухсат берилган.

— фуқаролар пора сўраган амалдор устидан комиссияга шикоят қилиши, журналистлар эса ҳар қандай амалдор фаолияти юзасидан текширув ўтказишлари мумкин. Натига эса ҳайратланарли — 30 йил ичида порахўрлик даражаси 90 фоиздан 3 фоизга тушган.

ХОНГКОНГ

Хитойнинг шундоққина ёнида жойлашган Хонгконг ҳам коррупцияга қарши курашда эришган муваффақиятлари билан мақтанса арзийди — илгари мамлакатнинг деярли барча давлат идоралари коррупция ботқоғига ботганди. Бу ботқоқдан чиқиш учун қуйидаги чоралар амалга оширилди: давлат амалдорлари барча мулклари, автомобиллари ва бошқа қимматбаҳо буюмларини ҳалол йўл билан топган маблағларига солиб олганини исботлаб бериши лозим. Агарда буни исботлай олмаса, уни қамоқ қутайди ва барча мол-мулк мусодара қилинади.

Иккинчидан, 1974 йилда бу ерда "Коррупцияга қарши мустақил комиссия" ташкил этилган бўлиб, комиссия офицлар ҳамда зиёлилар ва бизнесменлардан ташкил топган. Улар ўта катта миқдорда маош олишдади ва фақатгина губернаторга бўйсунмади.

Ва ниҳоят, Хонгконг аҳолиси ва ОАВ вакиллари порахўрликка қарши курашиш учун кенг имконият берилган



ДАНИЯ

Данияда қонунга сўзсиз итоат қилиш, жамиятнинг барча аъзолари томонидан ахлоқ тамойилларига риоя қилиш жамиятнинг самарали бошқаришининг асосий услуби ҳисобланади. Ижтимоий мавқедадан қатъий назар, қонун олдида ҳамма бирдек жавобгар бўлиб, маъмурий ёки жиноий ҳаракати учун маъсулиятдан ҳеч ким қочиб қутула олмайди. Машинасида тезликни оширганни учун Дания қироличасининг ўғли, шахзода Йоахим жарима тўлаган ва матбуотнинг кескин танқидига учраган. Турмуш ўртоғи ўз фермасида хорижлик ишчиларни рўйхатдан ўтказмасдан ишлатгани учун вазирилардан бири истеъфого чиқишга мажбур бўлган.

КОСА ТАГИДА НИМКОСА

ёхуд "пора" ни англатувчи атамалар

ҲУРМАТ (ОЗАРЧА)

КўЧАДА бўладими, директорлар кенгаши мажлисида бўладими, порахўрлар ўзига яраша ваколат ва дахлсиз ҳуқуқлардан фойдаланишади. Аммо айрим сўзлар ҳақиқий маъноси ва порахўрликдаги ташбеҳи билан мулкга яқин келмайди. Масалан, озарларда "ҳурмат" сўзи пора бериш учун ҳам ишлатилади. У ҳаётдаги асл ҳурматдан мулкга фарқ қилади. "Хурмат бажо келтир", деган жумла эса порахўрлик билан боғлиқ хизматни бажаришни аниглайди.

БАЛИҚ БОШИДАН САСИЙДИ (ТУРКИЙЧА)

"Балиқ бошидан сасир (Балиқ баштан кўкар)" ибораси келиб чиқиши туркий халқларга бориб тақалса-да, бугун жуда кўпгина мамлакатларда нафақат кўча ёни кўйи бўғиндаги идоралар, балки умуммиллий ташкилот ва муассасалар раҳбарияти аралашган коррупция маъносини ҳам беради. Мексика расмийлари ҳукумат даражасидаги шартномалардан ўз улушини чиқариб олиш учун "булда" (una mordida) сўраса, уларнинг колумбиялик ҳаммасблари бундай шартномалар учун "арра" ("sergucho") талаб қилади.

СТОЛ ОСТИДА (ИНГЛИЗ, ФРАНЦУЗ, ФОРСИЙ, ШВЕД ТИЛЛАРИДА УЧРАЙДИ)

Порахўрликка оид кўпгина иборалар асосан метафоралардир. Масалан, инглиз тилидаги "Пул стол остидан ўтказилмоқда" ("money being passed under the table") ибораси француз тилида "dessous de table", форс тилида "zir-e mize", швед тилида "pengar under bordet" қабилида учрайди.

ЧОЙ ПУЛИ (ПУШТУН/ФОРС)

Чой ва қаҳванинг бутун дунёдаги машҳурлиги порахўрлар лўғатида ҳам уларнинг машҳур бўлишига замин ҳозирлар. Масалан, Инглизистон ва Эронда "чай пули" (poule-chai) порахўрлар орасида кенг тарқалган атамалардан. Агар ушбу мамлакатларда "чай пули" сўралса, улар бошқаларга ҳам берилиши назарда тутилади. "Болалар учун ловия" сўралганда эса пора олувчи бунга арзийдиган иш қилганлиги назарда тутилади.

"НОКИА ҚУТИСИ" (ВЕНГРИЯ)

Венгрияда 2010 йилда бир коррупцион ҳолат жамоатчиликка ошкор бўлди. Унга кўра, Будапешт жамоат транспорти компанияси бошлиғи Цольт Балог шахар мэри ўринбосари Миклос Ҳагьёра Nokia телефони қўтисида пора бераётганда қўлга олинди. Шундан бери "Nokia қўтиси" пораларнинг ўлчов бирлигига айланади. Унинг ҳар бир қўтиси 65 минг АҚШ долларига тенг.

"КИЧИК ЗОГОРА БАЛИҚЛАР" (ЧЕХИЯ)

Чехия Республикасида "кичик зогора балиқлар" (kaprzhici) ёки "балиқ" қолдранган тилга айланади. Гап шундаки, чех футболдаги коррупция амалиётида ушбу сўзлар кенг қўлланилган. "Кичик зогора балиқ" 50 АҚШ долларига тенг бирлик сифатида коррупция лўғатига кирган.

• Интернет материаллари асосида МАДИНА ҲАМДАМОВА тайёрлади.

ЭЪЛОНЛАР

Мирзо Улугбек туман Давлат хизматлари маркази томонидан 04.07.2019 йилда 740551-сонли реестр тартиб рақами билан қайта рўйхатдан ўтган Мирзо Улугбек тумани, Оқўрғон кўчаси, 33-уй, 16-хондони мақолида жойлашган "FIRST CLASS CONSULT XUSUSIY BANDLIK AGENTLIGI" масъулияти чекланган жамият 2019 йил 5 августдаги 2-сонли қарорга асосан тугатилди. Давлолар (99) 834-22-82 телефон рақами орқали қабул қилинади. ИФН: 306 556 600.

Етмизёев Устмон Нishonovichнинг арizasига асосан Тошкент вилоят адлия бошқармаси томонидан 2018 йил 26 декабрда берилган TS 000173 рақамли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия ҳамда адвокатлик мақоми Тошкент вилоят адлия бошқармасининг 2019 йил 30 июлдаги 83-А-ум-сонли буйруғига асосан тугатилди.

Жиззах вилоят адлия бошқармасининг 2019 йил 30 июлдаги 46-А-сонли буйруғи билан Жиззах шаҳрида фаолият кўрсатувчи "SEVINCH" адвокатлар хайъати адвокати Алишер Мухторовни Ахмиразнинг адвокатлик фаолияти билан бирга олиб бориб бўлмайдиган доимий лавозимга тайинланганлиги даври тугатилганлиги муносабати билан унинг адвокатлик мақоми 2019 йил 31 июлдаги тивланганлиги маълум қилинади.

Жиззах вилоят адлия бошқармасининг 2019 йил 30 июлдаги 45-А-сонли буйруғи билан "Фаниа химоя" адвокатлар хайъати адвокати Эргашев Собиржон Нельмат ўзининг адвокатлик гувоҳномаси ва адвокатлик мақоми адвокатлик фаолияти билан бирга олиб бориб бўлмайдиган доимий лавозимга тайинланганлиги муносабати билан унга 2018 йил 28 декабрда берилган 045-сонли адвокатлик гувоҳномаси ва мақоми иши даврга тўхтатилаганлиги маълум қилинади.

Самарқанд вилоят адлия бошқармаси томонидан "Адвокатура тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига мувофиқ Самарқанд вилоят адлия бошқармасининг 2019 йил 13 майдаги 186-ум-сонли буйруғига асосан Самарқанд шаҳридаги "BOG ISHAMOL NAQIQAT" адвокатлар хайъати ва адвокат Буранов Ахтам Ортиқовни ўргатмаси адвокатлик гувоҳномаси билан тугатилган мўҳлат шартномаси бекор қилингани сабабли Ўзбекистон Республикасининг "Адвокатура тўғрисида"ги Қонуни 13-моддасига асосан (адвокат томонидан ушбу ойдан ошмайдиган муддатда амалга оширилган) давлат бошқа адвокатлик тизимаси ташкил этилувчи га қадар ёхуд мавжуд адвокатлик тизимларидан бирига киргани қадар бўлган даврга) унинг адвокатлик мақоми тўхтатилади.

Самарқанд вилоят адлия бошқармаси томо-

нидан "Адвокатура тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига мувофиқ Самарқанд вилоят адлия бошқармасининг 2019 йил 13 майдаги 186-ум-сонли буйруғига асосан Самарқанд шаҳридаги "SHOXRUK" адвокатлик фирмаси ва адвокат Раджабов Тўрал ўтказма адвокатлик тизимаси билан тугатилган мўҳлат шартномаси бекор қилингани сабабли Ўзбекистон Республикасининг "Адвокатура тўғрисида"ги Қонуни 13-моддасига асосан (адвокат томонидан ушбу ойдан ошмайдиган муддатда амалга оширилган) бошқа адвокатлик тизимаси ташкил этилувчи га қадар ёхуд мавжуд адвокатлик тизимларидан бирига киргани қадар бўлган даврга) унинг адвокатлик мақоми тўхтатилади.

Бухоро вилоят адлия бошқармаси томонидан "Адвокатура тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг Адвокатлар палатаси Бухоро вилоят қудудий бўлимига хушроқдаги Малакка комиссиясининг 2019 йил 29 июлдаги 9-сонли қарори ва Бухоро вилоят адлия бошқармасининг 2019 йил 31 июлдаги буйруғи билан "Mikampanal Hinoва" адвокатлик бюроси адвокати Раҳматов Азиза Орифоновна (адвокатлик гувоҳномаси №082, 25.12.2018 й.) адвокатлик мақоми ушбуга бўлган боғани парварши қилиш бўйича ташкил берилаганлиги муносабати билан ташкил вақти (2021 йил 13 февралга қадар)га тўхтатилади.

Шайхонтоҳур туман Давлат хизматлари маркази томонидан 29.01.2019 йилда №675908 реестр рақами билан рўйхатга олинган "GOLD OPTIMAL AA" масъулияти чекланган жамияти 28.01.2019 йилда тугатилди. Давлолар (98) 270-77-70 телефон рақами орқали қабул қилинади. ИФН: 306 053 744.

Мирзо Улугбек туман "Ягона дарға" маркази томонидан 24.10.2016 йилда №011209-04 реестр рақами билан қайта рўйхатдан ўтган Мирзо Улугбек тумани, М.Исмоилов кўчаси, 1 ва 1-А уй оралигини савдо дўқони мақолида жойлашган "FOOD WAY" масъулияти чекланган жамият тарқисининг 2019 йил 7 августдаги 1-сон қарорига асосан тугатилди.

Давлолар (90) 151-55-55 телефон рақами орқали қабул қилинади. ИФН: 304 390 067.

Ўзбекистон Республикасининг "Адвокатура тўғрисида"ги Қонунининг 13' ва 15-моддаларига мувофиқ, Хўжайли тумани "Yustus-Xo'jay" адвокатлик бюроси адвокати Девясильков Ондасон Кобенович Қоррақоплонистон Республикаси прокуратураси томонидан тергов олиб борилаётган жиноят иши бўйича айбланувчи тарқисидида жазб этилганлиги бос, суд ҳукми қирқини кунга кирганига қадар ёхуд

реабилитация қилгани асосларга биноан уни яқини жазобларидан озоқ этиш тўғрисида қарор қабул қилганига қадар адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия ва адвокатлик мақоми билан амал қилиш Қоррақоплонистон Республикасининг Адлия вазирининг 2019 йил 31 июлдаги 262-ум-сонли буйруғи билан вақтинча тўхтатилади.

Адвокат вилоят адлия бошқармаси бошлиғининг 2019 йил 30 июлдаги 317-ум-сон буйруғи билан адлия бошқармаси томонидан 2018 йил 19 декабрда берилган АН № 000039-сонли лицензия асоси, "Химоя юримак" адвокатлик фирмаси адвокати Азизова Нина Николаевнанинг адвокатлик лицензиясининг ҳамда адвокатлик гувоҳномасининг амал қилиши ва адвокатлик мақоми тугатилди.

Серғоти туман Давлат хизматлари маркази "Табриқчилик субъектларининг истеърои тугатиш ва уларнинг фаолиятини тўхатиш тартиби тўғрисида"ги Президент Қўрашоти Бўжатиш мақсдадида ҳамда "TEMPORAL PARALLEL SERVICE" хусусий қорхонага ташқисининг 2019 йил 8 апрелдаги 1-сонли қарорига асосан "TEMPORAL PARALLEL SERVICE" хусусий қорхонаси (СТПР: 304 835 721) узани-ўзи тугатиш жараянини бошлаганигини ҳамда ушбу жамият Серғоти туман қорхоналар давлат ресурсларга тугатилган қорхона қаторига киритилганлиги маълум қилинади.

ИНСОҢ ҚОНУН

2007 йил 3 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0081-рақам билан рўйхатга олинган

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

www.insonjust.uz

ISSN 2018-7497

977020787008

Бош муҳаррир

Кўчор НОРҚОБИЛ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Тошқуллов Акбар Жўрабоевич
Рабиев Шерзод Миржалолович
Тожиёв Фуқрат Шомуродович
Искандаров Ербек Нурбекович
Эргашева Дилфуза Рустамовна
Мамадалиев Зайниддин Очипович

Таҳририятга келган қўламалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Навбатчи
Мадҳия Авазова

Саҳифаловчи-дизайнер
Жасур Тожибоев

Нашр индекси: 137

"ИНСОҢ ВА ҚОНУН" газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-3 Бичимда, 2 Босма табоқ ҳажмда, офсет усулида "Ўзбекистон" нашриёт маъбаба ижодий уйда чоп этилди. Қорхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

Ушбу сонда ўза суратларидан фойдаланилди.

Тиражи — 10184
Буюртма — V-3691
Тошчириш вақти — 19:00
Тошчилриш — 18:00

МАНЗИЛИМИЗ:

100 000, Тошкент ш. Сайилхў кўчаси-35.

Факс: (0371) 233-44-23, (0371) 233-44-08

Обуна бўлими: 233-44-09

Баҳоəsi келишилган нархда

1 2 3 4 5

ДАЪВО

ҲИКОЯ

БОЗОР майдонининг азим чинорлари шовулар, саркаш шамол эсарди. Оқловчи Ҳожи Намиқбей иш қозғалари учмасин учун олиймақом шийпонга менгзаган кичик идорасининг ойналарини беркитди. Очиқ эшик табақасини тортқиларкан елкасига тўрва илган, жабдуқли уловининг жиловини тутган, биққигина, йирик саллалаи қишлоқнинг яқинлашаётганини кўрди.

— Салом, Ҳўжа Али, — деди, — бу ерда нима изляяпсан? Бозорга икки кун бор-ку?

— Соғ бўлинг, Намиқбей, балога қолдим. Бир даъво истаб келдим. Қишлоқи Ҳўжа Али шундай, деб бошини соллади.

— Кел, бир гаплашамиз. Дардинги тушунтир менга, қарогим.

— Сиздан бошқа яна кимга тушунтира олардим?

Қишлоқи Ҳўжа Али уловдан иниб, жиловни таблага қантарди. Оқловчининг идорасига кирди. Даъвосини билдирди. Арз қилган киши қишлоқ оқсоқоли экан. Унга тегишли бир таноб ерга Ҳўжа Али қайсики замонлар уй қурганди. Эндиликда оқсоқол шу уйга эгалик қилишни истаб қолибди. Ҳолбуки, у уй кимники бўлса, ер ҳам ўшаники, деган эди.

Намиқбей обдон соқолини силади. Кўзойнагининг остидан боқар экан деди:

— Сен ноҳақсан, Ҳўжа Али.

— Ноҳақман?

— Ҳа.

— Йўқ, мен ҳақман. Унда оқсоқол нега уйни қураётганимда қарши бўлмади?! Мен ҳақман, Намиқбей...

Намиқбей ўринсиз даъволарни кўрмасди. Шунинг учун ҳам Ҳўжа Алининг иддаосини рад этишни ўйлади. Уйларди-ю истихоло қиларди. Чунки Ҳўжа Али-да, унинг қишлоқдошларида оқловчи Намиқбейнинг миждоли эди. Қишлоқ ахли ҳар бир муаммоси юзасидан унга муружаат қиларди.

— Майли, сенинг ишинга аралашаман. Аммо бу ишни бой берасан, кейин менга яқинлашмайсан!

— Яқинлашмайман, аммо нега ишни бой бераман?

— Чунки ноҳақсан...

— Раисга бўлиққина жонлиқ жўнатсам-чи?

— Унда шубҳасиз енгилдим, деявер!

— Нега?

— Янги раис сен билган одамлардан эмас. Янги раис пора-ю ҳадага душмандек қарайди. Ҳатто, ҳақ киши унга пора таклиф қилса, шу пайтдаёқ уни ноҳаққа чиқаради.

— Аллоҳ шундай инсофлилардан қисмасин!

Ҳўжа Али ҳайратланиб муножот қилди. Адвокат уни маъқуллади:

— Омин, омин!

Улар яна узоқ гаплашдилар. Келишдилар. Оқловчи умидсиз эди. Умидсиз эдики, ишни қишлоқнинг юзхотири учунгина бўйнига олганди. Ҳа, оқловчининг наздида ишнинг битиши шу қадар мушкул эди.

Икки ҳафтадан сўнг худди шу пайтда Ҳўжа Али Намиқбейнинг идораси олдида пайдо бўлди. Оқловчи ариза ёзиб ўтирарди. Кўзойнаги ортидан миждолини кўрган заҳоти кулди:



Умар САЙФИДИН,
турк адиби

— Хуш келибсан, қарогим. Даъвойинг қаноатлантирилди.

Оқловчи ҳафтадир бу ноҳақ ишга раиснинг нега ижобий ҳукм чиқарганини англамасди. Ҳўжа Али қизишиб адвокатга сўз қотди:

— Менинг раисга жўнатган жонлиғимнинг соясида бу ишни ютдик, Намиқбей.

— Нима? Сен раисга жонлиқ жўнатдингми? Қандай қўлинг борди?

— Албатта, аммо сен менга: "Пора раиснинг душмани, ҳақ киши унга ҳада берса, шу заҳоти ноҳаққа чиқади", деб эдинг-ку.

— Яна нима қилдинг?

— Жонлиқни раисга жўнатарканман ўзимнинг исмиمنى келтирмадим, оқсоқолнинг номидан жўнатдим...

Қария оқловчининг қалами қўлидан тушди. Орқага тисарилди-ю, қаршида турган қор-қора ўйшоқи кўзларга қақаб қолди...

Ислом ИБДУЛЛА
таржимаси.

Ҳикматлар хазинаси

!
ПОРА муомаласи деярли барча давлатларда жиноят ҳисобланиб, у коррупция, деган умумий ном билан юритилади. Ислоҳ дини мусулмонларга порани бекорга ҳаром қилмаган, пора олишда иштирок этадиганларга бекорга жазо тайинланмаган. Зеро, порахўрлик натижасида фасод ва зулмкорлик авж олади, ноҳақ ҳукмлар қилинади, яъни шахсий манфаат устун қўйилади.

— Абу Ҳумайда ас-Саидия розияллоху анҳу ривоят қилади. Расулulloҳ соллalloху алайҳи васаллам: "Бошиқларнинг ҳада ва совғалар олишлари ҳаромдир".

— Бурайда ибн ал-Ҳусайб розияллоху анҳу ривоят қилади. Набий алайҳиссалом: "Биз бирор ишга бошлиқ қилиб тайинланган одам унга белги-ланган маошдан ортиқ мол топса, у учун ҳаромдир". (Имом Абу Довуд ривояти).

— Хавлат бинт Амир розияллоху анҳо Пайғамбаримиз алайҳиссаломдан ривоят қилади. Расулulloҳ соллalloху алайҳи васаллам: "Баъзи бир одамлар Аллоҳнинг мулки (жамоат пуллари)га хиёнат қилади. Қиёмат куни улар жаҳаннамга равона бўлишади". (Имом Бухорий ривояти).

— Абдуллоҳ ибн Умар Расулulloҳ соллalloху алайҳи васалламдан ривоят қилади: "Аллоҳ пора бергани ҳам, пора олгани ҳам лазнатлагандир". (Имом ибн Можа ривояти).

— Ибн Бурайда отасидан эшитиб Набий алайҳиссаломдан ривоят қилади: "Қозилар уч хил бўлади. Иккиси дўзахда, бири эса жаннатда. Бир киши ҳақни танийди ва у билан ҳукм қилади. Бу турдагиси жаннатда. Бир киши ҳақни танийди-да, ҳукм этишда жабр қилади. Бу турдагиси дўзахдадир". (Имом Ҳоким ривояти).

• Ўз муҳбиримиз.



РЕКЛАМА



Ҳурматли тадбиркорлар!

"АСАКА" БАНК

бизнесингизни молиялаштириш ва ривожлантириш учун қуйидаги хорижий банкларнинг кредит линиялари маблағлари ҳисобидан кредитлар таклиф этади:



Маълумот учун телефонлар:
(78) 120-82-01, 120-82-09, 120-82-24,
120-82-62, 120-82-96, 120-86-83.



www.asakabank.uz

Хизматлар лицензияланган.